
Бугун, 26 сентябрь, Давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимлари куни!

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилда имзоланган қонунга мувофиқ, мазкур сана ДХХ ходимлари куни этиб белгиланди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Давлат хавфсизлик хизмати ходимларини бугунги касб байрами билан самимий қутлайди.

Давлатимизнинг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, бошқа давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли фаолиятларида уларга куч-қувват ва муваффақиятлар тилаймиз.

Сизу бизнинг хавфсиз ҳаёт кечиримиз учун хизмат қилаётганлар барака топишсин.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-09-26 10:16:15